Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 18 июнь сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 127 (2955)







## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июнь куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзиньшни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари, меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, икки томонлама муносабатлар изчил ва барқарор ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ҳамкорликнинг кўлами нечоғлик ошганини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. 1994 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 103,4 миллион долларга етди. Ҳозир мамлакатимизда йигирмадан зиёд Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда.

Муносабатларимизнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаш мумкин эса-да, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали имкониятлар кўп. Учрашувда Президент Ислом Каримов Латвия портлари орқали ўтаётган Ўзбекистон товарлари ҳажмини ошириш икки томон учун ҳам бирдек фойдали эканлигини таъкидлади.

Меҳмон самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистонга келишдан мақсад ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан иборат эканлигини таъкидлади ва келгусида ҳамкорлигимиз қирралари кенгайишига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, транспорт коммуникациялари борасида алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Шу кунларда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Индулис Берзиньш расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмон Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокара якунида ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон ва Латвия ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик, гиёҳванд моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекди.

**(ЎзА).**

## Илмий-амалий анжуман

Тошкент Давлат аграр университетида репродуктив саломатлик ва оила экологияси муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир республика хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Экологик мафкура ва маданият, таълим-тарбия, қизлар саломатлиги ва репродуктив маданиятни шакллантиришга бағишланган маърузалар тингланди.

**(ЎзА).**

## Ёз — ўтади соз

Хоразмлик 500 нафардан зиёд бола қорақалпоғистонлик тенгдошлари билан бирга Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда дам олиш учун Урганч темир йўл вокзалидан махсус поездда жўнаб кетди. Уларнинг кўпчилигини асосан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар болалари ташкил қилади.

Оролбўйи ҳудуди болаларининг Ўзбекистон сўлим гўшаларида ёзги дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилиданоқ Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Ана шу хайрли анъана туфайли бу йилги мавсумда икки мингдан ошиқ хоразмлик мактаб ўқувчиси кўнгилли ҳордиқ чиқариш, тоғлар қўйнига саёҳат қилиш, дам олиш, янги дўстлар орттириш имконига эга бўлади.

**Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Австрия Федерал иқтисодиёт палатаси вице-президенти Алфред Мозер раҳбарлигидаги бир гуруҳ ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди.***

## АВСТРИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Музокарада вазир Элёр Ғаниев сўнгги йилларда Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар фаолияти учун янада кенг имтиёзлар ва қулайликлар яратилганини таъкидлади. Австриялик тадбиркорлар иштирокида Тошкентда ўтган бизнес-семинар самараси ўзини узоқ куттириб қўймаслигига, янги-янги қўшма корхоналар ташкил этилишига умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистонга Австрия сармоясини янада кўпроқ жалб этиш, юртимизнинг иқтисодий салоҳияти ва австриялик ишбилармонларнинг имкониятларини ишга солиб, бошқа мамлакатлардаги йирик сармоядорлар билан ҳам ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## Буюк ипак йўли — дўстлик йўли

*Ўзбек Миллий академик драма театрида «Буюк ипак йўли — дўстлик йўли» мавзуидаги биринчи халқаро санъат фестивали бўлиб ўтди.*

Уни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Консонанс" эстетик маркази, мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор халқаро ташкилотлар, элчихоналар ва миллий маданий марказлар ҳамкорликда ташкил этди.

Фестивалда сўзга чиққанлар Буюк ипак йўли асрлар давомида Шарқ ва Ғарбнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалари ривожида муҳим роль ўйнаганини таъкидлади.

Ёшларни аждодлар анъаналарига садоқат, умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Фестивалда Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг миллий ҳунармандлик санъати асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар бадиий жамоалари иштирокидаги дастур байрамга алоҳида файз бағишлади. Элчихоналар томонидан тақдим этилган, Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари, тарихи ҳамда табиатига оид лавҳалар акс этган фильмлар намойиш этилди.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

Хушхабарлар

## Поплик ғаллакорлар зафари

Поп тумани ғаллакорлари 24030 тонна дон сотиб, давлат шартномавий режасини Наманган вилоятида биринчи бўлиб бажардилар. Бугунгача ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилгидан 10 центнер кўп демакдир. «Ғурумсарой», Худойберганов номли, «Сирдарё», «Найман», «Машъал», «Дўстлик», «Қўштепа» ширкат хўжаликларида ҳар гектар ердан 50-65 центнердан ҳосил олинди. Дилмурод Мадазимов, Одилжон Алиев, Абдусалом Абдулазизов, Йўлдошали Раҳматов, Турсунали Қутбиддинов сингари оилавий пудратчиларнинг номи бугун алоҳида ҳурмат-эҳтиромга лойиқ. Улар гектаридан 80-90 центнердан хирмон кўтардилар.

Кўпни кўрган деҳқонларнинг айтишларича, ҳали туман тарихида бунақаси бўлмаган. 30 дан зиёд «Кейс» комбайнлари кеча-кундуз ишлаб турди. Кунига йиллик режанинг 15-20 фоизи миқдорида ғалла топширилди. Шартномавий режани бажаришга ўн иш куни кифоя қилди. Туман миқёсида сўнгги икки йил ичида ҳосилдорлик 20,3 центнерга оширилди. Бу йил поплик ғаллакорлар соҳадан 1,5 миллиард сўм соф фойда олишни режалаштирмоқдалар.

— Муваффақиятларга иқтисодий ислоҳотлар тўлиқ жорий этилгани, ер ҳақиқий эгасини топгани, энг муҳими, деҳқонларимиз қалбида эртасига ишонч ҳиссини оширганимиз туфайли эришдик, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлиси депутати Р.Исматуллаев. — Ўтган йили одамларга 10 минг тонна ғалла тарқатилган бўлса, бу йил ушбу кўрсатгич 18-20 минг тоннага етади.

**О.НОМОЗОВ, «Поп тонги» газетаси муҳаррири.**

## Қорақалпоғистонда биринчи

Элликқалъа туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги ғаллакорлари қорақалпоғистонда биринчи бўлиб дастлабки маррани эгалладилар. Қабул пунктларига 130 тонна сара дон етказиб берилди. Эътиборли томони, бу қарийб 100 гектарга экилган "Половчанка"нинг 32 гектаридан олинган ҳосил, холос. Мақсад ялпи хирмонни 450 тоннага етказишдир.



## ФЕРМЕР МУСАЕВНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«Оқсув» фермер хўжаликлари бирлашмасининг «Салимжон» фермер жамоаси аъзолари жорий йилда 29,3 гектар ерда «Уманка» навли ғалла ниҳолларини парвариш қилишди. Ҳамма агротехника тадбирлари оби-тобида ўтказилгани ўз самарасини берди. «Кейс» русумли комбайн ёрдамида барча майдондаги буғдой бир иш кунида ўриб-йиғиб олинди. Режадаги 83 тонна ўрнига 85 тонна сара дон давлат омборларига топширилди. Қолган 50 тоннаси эса фермернинг ўзига тегди.

— Яқин йилларда биз деҳқончилик қилаётган дашт, тошлоқ ерларда бундай юқори ҳосил олингани йўқ, — дейди фермер Холмуҳаммад Мусаев. — Ҳар гектар майдондан қарийб 70 центнердан дон етиштирилди. Бунда, албатта, жамоа аъзоларимиз Олимжон, Одилжон Мусаевлар, Янгибой Ашрапов, Ҳусанбой ва Қурбонбой Ҳайдаровларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Уйимиз донга тўлганидан, фермерларга эътибор берилаётганидан мамнунмиз.

**Ғ.КАРИМОВ, Учкўприк туманидаги «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири.**

## САҲРОДА ҲАМ «COSCOM» БОР

**"COSCOM" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Қизилқум саноатчилари ва чорвадорларига ҳам хизмат кўрсата бошлади. Навоий, Зафаробод, Зарафшон шаҳарларидан сўнг, Учқудуқ шаҳрида ҳам корхонанинг уяли телефон алоқа хизмати ишга тушди. Ҳозирнинг ўзида бу ердаги маҳаллий абонентлар сони юздан ошиб қолди.**

**Эндиликда Навоий вилоят марказидан қарийб тўрт юз километр олисда жойлашган учқудуқликлар дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан бемалол сўзлаша олади. Йил охиригача хатирчиликлар ҳам шундай хизматдан фойдалана бошлайди.**

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

***Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Кенгашнинг худудий комиссияси раиси — Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожоновнинг хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунчилиги бажарилишини таъминлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти тингланди.***

Таъкидландики, вилоятда текширишлар ҳудудий комиссиялар томонидан етарли даражада мувофиқлаштирилмаётгани боис, Кенгаш ёки вилоят худудий комиссияси рухсатисиз текширув ўтказиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, баъзан эса улар режа-жадвалда белгиланган муддатни бузган ҳолда, шунингдек, аттестациядан ўтмаган ходимлар томонидан амалга оширилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса кичик ва ўрта тадбиркорлар ҳамда фермерлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатлари учраб турибди. Чунончи, Давлат Ер ресурслари қўмитаси хизмати Урганч туманининг "Худойназаров Отамурод", "Элёр", "Абдушариф", "Ёқубов Қудрат" фермер хўжаликларида, Давлат божхона бошқармаси "Охун" хусусий фирмаси, Хазорасп тумани санитария-эпидемиология хизмати "Тожибобо" хусусий фирмаси, "Беҳзод" хусусий дорихонаси, "Аҳмад" кичик корхонасида санкцияланмаган текширувлар ўтказган. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Текширувларни ўтказишда кўп маротаба тартиб бузилишига йўл қўйилганига қарамай, ўтган йили текширув органларидаги фақат икки мансабдор шахсга нисбатан чора кўрилган, жорий йилнинг биринчи чорагида эса бирон кишининг масъулияти кўриб чиқилмаган.

Бундай вазият юзага келиши сабабларидан бири — Кенгашнинг вилоят ва туман худудий комиссиялари фаолиятида изчил иш юритиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Кўпчилик туман ва шаҳар худудий комиссиялари раислари ўзларини четга олиб, зиммаларидаги вазифаларини солиқ идораларига юклаб қўйишган.

Кенгаш худудий қўмита раиси — Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов эътиборини ишда кузатилаётган камчиликларга қаратди. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи И.Қўзиев ўз вазифасидан озод этилганини назарда тутиб, ҳудудий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида йўл қўйилган камчиликларнинг сабабини синчковлик билан таҳлил этиш, комиссиянинг туман бўғинида ишларнинг суст кечиши сабабларини аниқлаш, текширишларни тартибга солиш бўйича республика қонунчилигини бузаётган текширув органлари мансабдор шахсларини жиддий жавобгарликка тортиш, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга ва назоратчиларнинг хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса кичик ва ўрта бизнес вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймасликка қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳақида топшириқ берди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат этувчи бўлинмалари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунчилигига риоя қилиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, Назорат инспекцияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фармацевтика инспекцияси ишини режалаштиришдаги камчиликлар туфайли назорат қилинувчи корхоналарнинг мутаносиб равишда 17 ва 23 фоизи текширилган. Фармацевтика инспекцияси томонидан барча дори тайёрловчи муассасаларда дори-дармонларни тайёрлаш, сақлаш ва сотиш жараёнларида амалдаги андозаларга риоя этилиши тўлиқ назорат қилинмаяпти.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори-дармон воситалари сифати устидан назорат қилиш бўйича комиссиясининг жойлардаги бўлинмалари иши бўйича етарлича назорат ўрнатилмагани, улар иши Кенгашнинг худудий комиссиялари фаолияти билан мувофиқлаштирилмагани боис ўтган йили қатор ҳудудларда 760 та ёки 58 фоиз текширишлар режадан ташқари ўтказилган. Комиссия бўлинмалари томонидан Наманган, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида ўтказилган текширишларнинг 68-56 фоизи, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса ҳар иккитасидан биттасида камчиликлар очилмаган.

Мажлисда таъкидланганидек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат бўлимлари иши самарадорлигининг пастлиги туфайли республика соғлиқни сақлаш тизимида, даволаш ва дорихона муассасаларида жиддий хато ва камчиликлар, суиистеъмол қилиш ҳоллари учраб турибди. Қониқарсиз тиббий хизмат кўрсатилаётгани ҳақида фуқаролар томонидан адолатли эътирозлар билдирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори-дармон воситаларига қўйилган энг юқори савдо нархлари тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг ижроси устидан тўлиқ назорат ўрнатилмаган. Натижада айрим дорихона муассасаларида дори-дармон нархлари асоссиз кўтариб юборилган. Қатор дорихоналарда биринчи навбатда зарур дори-дармон воситаларининг айримлари мавжуд эмас. Шунингдек, амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда ва сифатсиз дори-дармонлар сотишга йўл қўймаслик бўйича амалий чоралар кўрилмаган.

Таъкидландики, бундай ҳолат Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти назорат қилувчи органлари ишларига етарли даражада эътибор бермаётгани, ушбу органлар раҳбарларига уларга ишониб топширилган участкалардаги ишлар аҳволи юзасидан тегишли талаблар қўйилмаётгани, соғлиқни сақлаш тизимида назорат ишларини takомиллаштиришга оид амалий чоралар қабул қилинмагани боис юзага келмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат қилувчи бўлинмаларининг айрим вазифалари бир-бирини такрорлайди. Бинобарин, уларнинг тузилмаси ва асосий ваколатини қайта кўриб чиқиш лозим.

Кенгаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг назорат қилувчи бўлинмаларининг текширишларни тартибга солиш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга оид республика қонунчилигига риоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишларини республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари талаблари даражасида эмас, деб топди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг вазирлик томонидан соҳани ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорлар ижросини таъминлаш, унинг назорат қилувчи бўлинмалари фаолиятини тубдан яхшилаш, самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди. Манфаатдор ташкилотларга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг назорат қилувчи бўлинмалари фаолиятини яхшилаш ва улар тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, Кенгаш мажлисида текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда уларнинг ҳар бири юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбари Р.Абдуқодиров, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди ва сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАРИ

**17 июнь. Москва. ЎзА мухбири Муҳаммад Амин хабар қилади.**

15 июнь куни Москва шаҳрида бошланган МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари вакиллари иштирокидаги Халқаро ўсмирлар спорт ўйинларида юртдошларимиз муваффақиятли қатнашмоқда.

Стол тенниси бўйича мусобақаларда тожикистонлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган спортчиларимиз кейинги ўйинда худди шу ҳисобда Россия-1 жамоасига имкониятни бой берди. Иккинчи кунги беллашувларда эса ўзбекистонлик кичик ракетка усталари Грузия спортчиларини 3:0, Сибирь округи жамоасини 3:2 ҳисобида енгди.

Шахмат бўйича беллашувларнинг дастлабки турида миллий жамоамиз вакили Антон Филиппов ғалаба қозонди.

Юнон-рум кураши бўйича эса 50 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган Элбек Тожиев гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

**(ЎзА).**



## ИРОДА ЎН ОЛТИНЧИ ЎРИНДА

Аёллар теннис уюшмаси (WTA) дунёдаги энг кучли ракетка усталари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, америкалик опа-сингил теннисчилар — Винус ва Серена Уильямс кучлилар жадвалининг дастлабки икки поғонасини эгаллаб турибди. Учинчи ўринда яна бир АҚШ вакиласи Женифер Каприати жойлашган.

Австрия пойтахти Венада ўтказилган турнир финалида ўйнаган ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова ўз фаолияти давомида илк бор 1349 очко жамғариб, ўн олтинчи ўринга кўтарилди.

**(ЎзА).**




## АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

**Шу йилнинг 28 июнь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

**Агар Сизни мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган тубли ислоҳотларнинг натижалари, давримизнинг стратегик ҳужжати — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳамда яқинлашиб келаётган 2002-2003 ўқув йили учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул уюштириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса ва шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.**

**139-15-00, 139-15-24, 139-46-74.**

**Мабодо, вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 133-10-17, 136-35-60, 133-38-01 рақамли телефонлар орқали баён этишингиз мумкин.**

**E-mail: slovo@uzpak.uz**

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!**



# БЎСТОН ЯШНАМОҚДА



*Элликқалъа туманидаги Бўстон шаҳарчасида жойлашган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги коллеж биноси қайта таъмирдан чиқарилди. 1050 ўринга мўлжалланган ушбу билим даргоҳида ўқувчилар бир неча йўналиш бўйича касб-ҳунар эгаллайдилар. Айни пайтда "Деҳқонқурилиш" акциядорлик жамияти бунёдкорлари таъмирлаш ишлари билан бир қаторда барча қулайликларга эга 200 ўринли ётоқхона қурилишини ҳам бошлаб юборганлар. Янги ўқув йилида нафақат билим кошонаси, балки ётоқхона ҳам фойдаланишга топширилади.*



**СУРАТЛАРДА:** таъмирдан чиққан бино; ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Шарифбой Нуримбетов; ётоқхона қурилиши акс эттирилган.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Йилнинг энг яхши тарбиячиси

Тошкентда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Йил тарбиячиси — 2002" кўрик-танлови якунланди. Унда Андижон вилояти Асака шаҳридаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зулфия Матисаева "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" деб топилди.

**Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Бўка туманида вилоят ички ишлар бош бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан бир йўла учта милиция таянч пункти қуриб, фойдаланишга топширилди.

Турғун Ражабов, Ойхўжа Йўлдошев, Йўлдош Ҳожиметов номидаги ширкат хўжаликларида бунёд этилган мазкур таянч пунктларида кутубхона, чойхона, болалар спорт майдончаси, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш хоналари, автодром, волейбол, футбол майдонлари ҳамда теннис кортлари мавжуд. Вояга етмаган ёшлар бу ерда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган.

**Л.СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

## Мутал БУРҲОНОВ



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Атоқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти, серқирра ижодкор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов шу йил 15 июнь куни 86 ёшида вафот этди.

Мутал Бурҳонов 1916 йил 5 майда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. 1928-1932 йилларда Самарқанд мусиқа ва хореография институтида, сўнгра Москва давлат консерваториясида таҳсил олди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, у фашизмга қарши курашган жангчилар сафида бўлиб, оғир жароҳат олгани сабабли Тошкентга қайтади ва ўз ижодкорлик фаолиятини бошлайди. 1955-1960 йилларда Ўзбекистон композиторлар уюшмаси бошқарувининг раиси лавозимида ишлади.

Ўзбек композиторлик ижодиётининг асосчиларидан бири бўлган Мутал Бурҳонов олтмиш йилдан зиёд вақт давомида узлуксиз ижод билан шуғулланиб, турли жанрларда бадиий етук асарлар яратди. Унинг маданиятимиз хазинасидан муносиб ўрин олган "Алишер Навоий" операси, "Абадий хотира" марсияси, "Навоийга қасида" сингари йирик мусиқа асарлари, "Ишқида", "Шоир орзуси", "Табассум қилмадинг ҳеч" каби романслари, "Она диёр", "Ипаклари тиллодан", "Баҳор" сингари қўшиқлари, "Мафтунингман", "Ибн Сино" каби бадиий фильмларга ёзган мусиқалари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Композиторнинг бетакрор ижоди халқаро мусиқа жамоатчилиги томонидан ҳам кенг эътироф этилган.

Мутал Бурҳонов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифидир.

Унинг замонавий ўзбек мусиқа санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан юксак баҳоланган. У Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон санъат арбоби унвонлари, Давлат мукофотлари, "Эл-юрт ҳурмати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган эди.

Бутун умрини санъат йўлига бағишлаган, тақдир синовларини мардона енгиб ўтган заҳматкаш ижодкор Мутал Бурҳонов ёш истеъдодларнинг талабчан ва меҳрибон устози эди. Ёшлар тарбияси борасидаги хизматларини эътироф этиб, унга Ўзбекистон Давлат консерваториясининг фахрий профессори унвони берилган эди.

Буюк санъаткор, ажойиб инсон Мутал Бурҳоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, Х.СУЛТОНОВ, Х.ЖЎРАЕВ, Р.АБДУЛЛАЕВ, А.ОРИПОВ, И.АКБАРОВ.**

*Бугуннинг гапи*

# СОЛИҚДАН ҚОЧГАН — ИМОНДАН ҚОЧГАН

### Тошкент шаҳрида солиққа тегишли идоралар мутасаддилари бу тушунчани аҳолига сингдирмоқдалар

Солиқ тушуми давлат хазинасини тўлдирадиган асосий манба ҳисобланади. Мамлакат бюджетининг қанчалик қудратли бўлиши кўп жиҳатдан унга боғлиқдир. Шу маънода солиқ тўлаш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи бўлиши керак. Одамлар онгли равишда бу ишни амалга оширишлари лозим. Ривожланган давлатларда ушбу юмуш яхши йўлга қўйилган. Кишилар солиқнинг қанчалик зарурлигини яхши билишади.

Жорий йилнинг 14 февраль куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз мазкур масалага алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: «Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим».

Мамлакатимизда, мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга кенг кўламда фаолият юритиш, даромад олиш учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Тадбиркорларимиз бу борадаги қулайликлар, имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Фақат уларга қўйилаётган талаб битта: олинаётган даромаддан давлатга солиқ тўлаш керак.

Хўш, республикамизда солиқ тўлашнинг аҳволи қандай, умуман, бу борадаги маданият қандай шаклланмоқда? Биз бу саволга Тошкент шаҳрида жавоб топишга ҳаракат қилдик. Шаҳар солиқ бошқармасининг берган маълумотларига кўра, солиқ тўлаш интизомига қатъий риоя қилаётганлар билан бирга, уни тўлашдан бўйин товлаш, даромадни яшириш ёки тегишли равишда рўйхатдан ўтмаган цехларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳоллари мавжуд. Мисолларга мурожаат қилайлик. Жорий йилнинг 1 май куни Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчасидаги 2-уйда жойлашган дўконда тезкор текширув ўтказилди. Дўкон хусусий тадбиркор Ш. Ёқубовга тегишли бўлиб, амалда ўша куни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатномаси бўлмаган А. Самадов савдо қилаётган экан. Сотувчи харид қилинган маҳсулотга чек бермаган, пулни назорат кассасидан ўтказмаган. Дўкон фаолияти батафсил текширилганда, 250,1 минг сўм пул касса машинасидан ўтмаганлиги, шу билан бирга, акциз маркаси ва умуман, ҳужжати бўлмаган 371, 2 минг сўмлик спиртли ичимлик, 448,1 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари борлиги аниқланди. Бундай қонунбузарлик сабабини на сотувчи, на дўкон эгаси изоҳлай олди.

Тошкент ҳалқа йўлининг бўйида жойлашган "Жаҳонгир" дўконида 12 май куни солиқчилар ва шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан текшириш ўтказилди. Савдо қилиш учун ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган Д. Сайфутдинов 6,7 минг сўмлик тамаки маҳсулотини сотиб, харидорга чек бермайди ва пулини касса аппаратидан ўтказмайди. Касса аппарати касса китоби билан солиштириб кўрилганда, 88,2 минг сўм, 10 май куни эса 147 минг сўм касса аппаратидан ўтмаганлиги аниқланди. Дўкон омбори кўздан кечирилганда эса ноқонуний сақланаётган 10722,3 минг сўм нақд пул, 12100 дона акциз маркаси, 40941,5 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари борлиги маълум бўлди.

Бундай мисоллар ягона эмас. Шундай тадбиркорлар ҳам борки, улар тегишли ҳужжатга эга бўлмасдан, маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Айни пайтда ўз даромадларини солиқдан яширишяпти. Ахир уларнинг бир куни фош бўлишлари тайин-ку?! Масалан, Миробод туманидаги 1-автотаъмирлаш заводи ҳудудида К. Пан номли шахс зарур ҳужжатга эга бўлмасдан, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Харидорга 10 минг сўмлик маҳсулот сотган. Бу ерда саккиз киши ишлаган. Цех атрофлича тафтиш қилинганда, сотиш учун тайёрлаб қўйилган 3,5 миллион сўмлик шиша идишлар борлиги маълум бўлди. Ҳамза туманининг «Строительная» кўчаси, 1-уйда Г. Хегай номли шахс ҳам ноқонуний равишда ёдгорлик ҳайкалчалари ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. У текшириш куни 7,4 минг сўмлик маҳсулот сотганлиги, фаолият кўрсатаётганидан буён 140 минг сўм соф фойда олганлиги, 420 минг сўм миқдоридаги маҳсулотлар сотувга тайёрлаб қўйганлиги ошкор бўлди. Ҳаммаси бўлиб шаҳар бўйича 26 та ана шундай яширин цехлар борлиги аниқланиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Ҳақли савол туғилади: наҳотки, бундай "тадбиркорлик" билан шуғулланаётганлар ўз ишларини амалдаги қонун- қоидаларга зид эканлигини билишмаса? Ахир, бу жамиятни алдаш эмасми? Ҳолбуки, тегишли идоралардан рухсат олиб, фаолият кўрсатиш, даромад олиш, ҳалол ва хотиржам яшаш ҳам мумкин-ку.

Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пулни банкка топшириш ва эмиссия даражасини қисқартириш тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш борасида ҳам айрим хўжалик юритувчи субъектлар қонунбузарликка йўл қўймоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг 499 тасида пул тушумларининг аҳволи кузатилди. Уларда кунлик режага нисбатан 59,7 миллион сўм миқдорида кўп пул тушганлиги аниқланди.

Шундай хусусий фирмалар ҳам борки, улар ҳақиқий даромадни яшириб, солиқ тўлашдан ўзларини олиб қочишади. Натижада давлатдан катта миқдорда қарз бўлиб қолишмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Чилонзор туманидаги "Фаил", "Тезвилхизмат", "Мик технология", Яккасарой туманидаги "Кенжабек", "Тезкор Шарқ-сервис", Сергели туманидаги "Астера сервис" ва бошқа фирмаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳар солиқ бошқармаси томонидан 1080та хўжалик юритувчи субъект текширилганда, 843 марта солиқ қонунларининг бузилиш ҳолларига дуч келинди. Натижада бюджетга 10,9 миллиард сўм миқдорида қўшимча маблағ ўтказилди. Охир-оқибатда қонунни "унутган" айрим тадбиркорлар солиқ тўлашдан қочиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, солиқ ҳар биримиз учун муқаррар эканлигини тушуниб етишимиз, солиқ маданиятига эришишимиз керак. Ана шунда ҳам ишларимиз юришади, ҳам давлат ғазнасига барака киради.

**Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Ислоҳот одимлари*

# ЭЗГУ НИЯТ — ИШГА ҚАНОТ

— Яхши ният билан ишлаган киши ҳамиша мақсадига эришади, — дейди Оқдарё туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси Аҳад Исмоилов. — Аввало, кўнгил кенг бўлсин. Эзгуликка интилсин ҳар бир инсон. Ўртадаги аҳиллик, тотувлик ишда унум келтираверади. Ҳар йили деҳқон яхши ният билан ерга уруғ қадайди. Ғирромликни сира ёдига келтирмайди. Дангасалик қилмайди. Қарабсизки, хирмони баракали бўлади.

Аҳад ака бу сўзларни самимий гапирди. Дилидан айтди. Бу билан хўжалик деҳқонларига баҳо бериб қўйди. Уларни мақтамади, ёмонламади. Ҳатто ўтган йилгидек оғир шароитда туманда пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам биринчилардан бўлганини тилга олмади. Рақамларни қалаштириб ташламади.

Фақат бир режасини айтди:

— Бу йил ғалладан 50 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз. Бундан ками бўлмайди. Элликдан кам бўлса, даромад йўқ, дегани.

Ҳа, раис қатъиятли одам. Бир сўзли, айтган жойидан кесади. Ишни оддий тракторчиликдан бошлаган. Кўп йиллар бригадир бўлган. Техника, ернинг тилини билади. Одамларнинг фикрига қулоқ тутади. Каттадан ҳам, кичикдан ҳам ниманидир ўрганишга ҳаракат қилади.

Ўтган йили Оқдарёда пахта ва ғалла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини саноқли хўжаликларгина бажарди. Энг юқори кўрсаткичлардан бири «Ўзбекистон»га тегишли бўлди. Ер шароити, техника, ўғит, сув таъминоти деярли бир хил бўлган кўпгина жамоалардан бу хўжалик анча илдамлаб кетди. Ғалла ҳосилдорлиги 42 центнердан ошди. Бу кўрсаткич белгиланган режадагидан 10,5 центнерга ортиқ эди. Шу боис ширкат аъзолари дурустгина манфаат кўришди. Уларга иш ҳақидан ташқари 396 тонна ғалла берилди.

Пахтачиликда ҳам мўлжалдаги ҳосил олинди. Айниқса, плёнка остига экилган майдонларда ҳосил мўл бўлди. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Хўжаликнинг йиллик даромади 178 миллион сўмдан ошди. Соф фойда 8,5 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 60 фоизи, яъни 5 миллион 34 минг сўми ширкат аъзоларига дивиденд сифатида ажратилди.

Бу йил 392 гектар майдонда ғалла етиштириляпти. Парвариш тўлиқ агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Суғориш вақтида ўтказилди. Қолаверса, баҳорда ғаллакорга табиат ҳам қарашиб юборди. Ёғингарчилик кутилганидан ҳам ортиқ бўлди. Бундай шароитда икки дарё оралиғи — Миёнқолда оби-ҳаёт тўғрисида ташвишланмаса ҳам бўлади. Ҳозир туманнинг икки четидан оқиб ўтувчи Оқдарё ва Қорадарё ўзанлари тўлиб-тошган. Мавжланиб оқаётган дарёларга қараб, ниҳоят, бу йил сув танқислигига барҳам берилишига умид қиласан.

Фақат чигит экиш муддати бироз кечикди. Муттасил ёғингарчилик деҳқонга ноқулайлик туғдирди. Аммо бу қийинчиликлар деҳқонларни асло чўчитмади. Мавжуд 404 гектар майдоннинг 168 гектарида чигит плёнка остига экилди. Асосийси, уруғ ернинг намига ундириб олинди. Бугун эса ҳар туп ғўза деҳқон ардоғида, унинг кафтида ўсаяпти. Кўклам қуёшидан нур эмиб, кун сайин бўй чўзяпти. Боиси — ниҳоллар парвариши аллақачон бошлаб юборилган.

Раис ҳар куни пайкал оралайди. Бўлиқ буғдой бошоқларига, соғлом ўсаётган ғўзаларга қараб, келадиган даромадни хомчўт қилади. Одамлар билан суҳбатлашиб, кайфияти кўтарилади. Ҳа, яхши ният билан ишлаган киши ҳамиша мақсадига эришади. Аҳад Исмоилов бошлиқ хўжалик аъзоларининг бу йил ҳам юксак хирмон кўтариб, эзгу мақсадларга эришишларига шубҳа йўқ. Далалардаги қатъий ҳаракат, меҳнат буни яққол исботлаб турибди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Юртимиз сайёҳлар нигоҳида

Замонавий санъат марказида ана шундай мавзуда фотокўргазма очилди.

Юртимизнинг ўтган асрлардаги ҳаётига оид фотосуратлар дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд. Жумладан, Франция Миллий кутубхонаси, Франция Миллий архиви, Лозанна фотосуратлар музейи, Берлиндаги этнография музейида кўплаб ана шундай расмлар борлиги аниқланган.

Европалик сайёҳларнинг Франция ва Швейцария архивларида сақланаётган ўлкамизда XIX-XX асрларда юз берган воқеа ва ҳодисаларга оид фотосуратлари нусхалари айниқса диққатга сазовордир. Кўргазмада Замонавий санъат маркази томонидан Франция Марказий Осиё тарихини ўрганиш институти, Швейцария маданиятини юксалтириш фонди ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида жамланган ана шундай суратларга кенг ўрин берилган.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**



## Чидамли ва арзон



*Юқоридаги гап Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигида барпо этилган «Қарширадиатор» қўшма корхонаси маҳсулотларига нисбатан айтилган, десак асло муболаға бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги техникалари учун совутиш радиаторлари азалдан камёб ҳисобланарди. Айни пайтда мазкур корхонада йилига 2500 дона ҳар хил турдаги радиатор ишлаб чиқарилиши қувонарли ҳолдир. Ўтган йили корхона жамоаси 5,2 миллион сўм соф фойда олди.*

*Яқинда корхонада «Магнум» ҳайдов тракторининг мой радиаторларини капитал таъмирлаш йўлга қўйилди. Келгусида эса корхонада енгил автомобиллар учун совутиш радиаторлари ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** мисгар-оператор Умид Жўраев; ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Чоршанби Суворов ва йиғувчи Фарҳод Шерназаров иш устида.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 418,03 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1100,30 |
| 1 Дания кронаси | 94,76 |
| 1 БАА дирхами | 202,97 |
| 1 АҚШ доллари | 745,41 |
| 1 Миср фунти | 162,75 |
| 1 Исландия кронаси | 8,34 |
| 1 Канада доллари | 481,90 |
| 1 Хитой юани | 90,13 |
| 1 Малайзия ринггити | 196,19 |
| 1 Польша злотийси | 185,56 |
| 1 СДР | 965,72 |
| 1000 Туркия лираси | 0,47 |
| 1 Швейцария франки | 477,83 |
| 1 ЕВРО | 704,41 |
| 10 Жанубий Корея вони | 6,05 |
| 10 Япония иенаси | 60,02 |
| 1 Россия рубли | 23,74 |
| 1 Украина гривнаси | 139,86 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Қарор ва ижро*

# ЁВҒОН ПАЛОВ БОШНИ ОҒРИТАР

Шу йил май ойининг охирроғида Шўрчидаги «Совжирон» савдо ишлаб чиқариш ва тайёрлов корхонасига нуфузли текширув гуруҳи келди. Гуруҳнинг мақсади корхонада Вазирлар Маҳкамасининг «Савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганини ўрганиш эди.

Текширувчини одатда, юзда илиқ табассум ва кўнгилда ҳадик-хавотир билан қарши оладилар. Камчиликлари бўлса, очилиб қолишидан чўчишади-да.

«Совжирон»дагилар шошиб қолмадилар. Аксинча, камчилик ва муаммоларини ўртага ташладилар. Гуруҳ аъзоларига айтдиларки...

Аввало, «Совжирон»нинг фаолият доираси ҳақида тўхталиб ўтсак: 13903 кишининг кундалик эҳтиёжи таъминоти билан шуғулланади. Тумандаги Саксонкапа, Бахшитепа, Какан, Боботоғ маҳаллаларига савдо хизмати кўрсатади. Асосан ун, ўсимлик ёғи, шакар, туз, совун сотади.

Корхона вакиллари гуруҳ аъзоларини ун, шакар, совун савдоси ёмон эмаслигидан воқиф этиш баробарида, ўсимлик ёғи савдоси оқсаб қолаётганидан хабар бердилар. 2002 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида биз юқорида эслатган 13903 кишига 744 килограмм ўсимлик мойини корхона марказлаштирилмаган манбалардан олиб келиб сотибди.

— Ўз дўконларимизда ўсимлик ёғи тақчил бўлганидан, биласизми, биз ўзимиз, шахсан мен ўзим Шўрчининг мой бозоридан ёғ сотиб оламан, — дейди корхона товаршуноси Карим Омонов. — Ваҳоланки, вилоятимизда бир кунда 500 тонна чигитни ё бошқа ёғли хомашёни қайта ишлайдиган завод бор.

— Шўрчида мой бозори борми? — деб луқма ташлади кимдир.

— Вилоятнинг деярли ҳамма бозорида мой бозори бор-ку, — деб бу гапга жавоб қилади иккинчи бир киши.

— Бозордаги мойнинг нимаси ёмон? — деб соддадиллик билан савол бераман мен Омоновга. Омонов бўлса жиддий туриб жавоб қайтаради: — Бозордаги ўсимлик ёғи қўлбола жувоздан чиққан мойдир. Ўша мойнинг сақланиши санитария-гигиена тартибларига хилофдир. Умуман, биз хизмат кўрсатаётган маҳаллаларнинг одамлари Денов ёғ заводининг пахта мойини энг хуштаъм, ширин мой деб аташади.

— Соя ёғи аралаштирилган «Ўзбекистон» ёғи оддий пахта ёғидан хуштаъм-ку...

— Хуштаъмликка хуштаъм, — дейди Омонов. — Лекин оддий пахта ёғи нархи «Ўзбекистон» ёғидан ҳозирги нархларга қараганда килоси 214 сўмга арзон. Хоразмдан келтириб сотилаётган ёғлардан янаям арзонроқ. Мана унинг хуштаъмлиги нимада.

— Унда Деновдаги заводнинг оддий пахта ёғидан олиб келиб сотишларингизга нима халақит қилаяпти?

— Оддий пахта ёғи заҳирасидан улуш ажратилмади бизга, — дейди корхонанинг ёш раиси Исроил Шукуров. — Улуш ажратилмаса, заводнинг дарвозасидан киритмайди бизни. Марказлашмаган манбалар билан олди-берди қилишга бўлса ҳамишаям қўлимиз етавермайди. Бу гапларни матбуот вакилига айтмаслигимиз мумкин эди. Бу гаплар газетага чиқиб қолса, тўғрисўз одам экансизлар, деб рағбатлантирмасликларинияам биламиз. Лекин...

Лекин... бу гапларни улар текширувчиларга ҳам айтдилар. Текширувчилар вазиятни холисона тушуниб, амалий ёрдам кўрсатишларини билдирган бўлдилар. Демак, ажабмаски, «Совжирон»нинг маҳаллалари, одамлари яқин орада ўзлари хуштаъму ширин, деб билган Деновнинг пахта ёғидан палов дамлашса.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

# Тиббий тезкор алоқа — хизматингизда

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида шифокор олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учрашуви бўлиб ўтди. Унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош дермато-венеролог мутахассиси Комилжон Йўлдошев ҳамда Дерматология ва иммунология илмий-текшириш институти профессори Акром Раҳматов журналистларга мамлакатимизда замбуруғли тери касалликларининг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар.

Бундай мавзуда оммавий ахборот воситалари учун суҳбат уюштирилишининг долзарблиги нимада?

Энг аввало шундаки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотга кўра, ҳозирги кунда аҳоли орасида XXI аср вабоси деб аталаётган ОИТС (СПИД) билан бир қаторда замбуруғли тери касалликлари ҳам кенг тарқалаётганлиги яққол кузатилмоқда.

Бутун дунёда ушбу касалликларнинг томир ёйишига шароит яратувчи жараёнлар кучаймоқда. Булар — атроф муҳитда экологик мувозанатнинг издан чиқиши, одамлардаги асабийлик, турли-туман дорилар, гармонал препаратларни назоратсиз истеъмол этишнинг ўсиб бораётганлиги ва бошқа ҳолатлардир.

Суҳбатда мутахассис-олимларнинг айтишича, замбуруғлар табиатда жуда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг ўн мингга яқин тури амалиётда маълум. Бундай микроорганизмлар одам ва ҳайвон организмларида ҳамда тупроқда учрайди. Улар келтириб чиқарадиган касалликлар «Микоз» деб аталади. Микоз — зарарли замбуруғлар қўзғатадиган касалликлардир.

Журналистлар билан учрашувда мутахассислар, асосан, замбуруғли тери касалликларининг аҳоли орасида кенг тарқалган тури — сочнинг қазғоқланишига кўпроқ эътибор бердилар. Маълум бўлишича, 70 фоиз одамларда у ёки бу даврда сочнинг қазғоқланиши содир бўлади. Аҳолининг тахминан 30 фоизида эса сочнинг қазғоқланиши доимий ҳолдир.

Мутахассисларнинг айтишига қараганда, қазғоқланиш бош терисининг замбуруғли касалликларга чалиниши оқибатида юз беради. Масалан, асабийлашиш эндокрин безларига таъсир этиб, организмда модда алмашинишининг бузилишига олиб келади. Бунинг оқибатида, жумладан, сочнинг ёғланиш жараёни кучаяди. Бу — бош терисини яллиғлантиради, кейин сочнинг қазғоқланиши бошланади.

Одамлар ушбу касаллик тўғрисида аниқ ва атрофлича маълумотларга эга эмас. Шу боисдан, сочнинг қазғоқланишида касалликни келтириб чиқарувчи асл ҳолатлардан даволаниш ўрнига бош терисига тушган тангасимон темираткиларни териб ташлаш билангина чекланадилар, холос.

Мана шу сабабдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2002 йилнинг январь ойида Ўзбекистон ҳудудида замбуруғли касалликларни эпидемиологик ўрганиш дастури жорий этилди. Ушбу дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги аҳоли орасида кенг кўламдаги скрининг текшируви ҳамда «Қазғоқланишга қарши» тиббий тадбири ўтказилди. Шу ўринда тадбирни ўтказишда «Низорал-шампунь» савдо белгиси катта техникавий ёрдам кўрсатганлигини айтиб ўтишимиз керак. «Низорал-шампунь» терининг устки қатламига сингиб, ундаги замбуруғларни йўқотади. Таъсир кучини узоқ муддат сақлай олиши туфайли у терида замбуруғ туғилиши ва қазғоқланишнинг такрорланиши олдини олади. Ҳолбуки, косметик шампунлар қазғоқни ювиб ташлайди, холос.

Тошкент шаҳрида юқоридаги дастур доирасида «Қазғоқланишга қарши» телефонда маслаҳат бериш йўлга қўйилди. Ушбу муаммо юзасидан ҳар бир киши тегишли маслаҳат ва қўшимча маълумотни бепул олиши мумкин. Бу борада қуйидаги телефон рақамига қўнғироқ қилиш мумкин:

**116-86-86.**

**М. САФАРОВ.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ шу йил 15 июндан "Диққат! Пиёда!" мавзуида ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Унинг мақсад ва вазифалари хусусида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Собир АБДУРАСУЛОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олди. Айни вақтда республикамизга келаётган юк автомобиллари учун кенг йўл очилди, жаҳоннинг барча бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими тинмаяпти. Бунинг натижаси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови ортиб бормоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириб бориш, хизмат тизимини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишни тақозо этаётир.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчилар, пиёдалар айби билан содир бўладиган турли нохуш ҳолларни камайтириш, шунингдек, мамлакатимиздан ноқонуний равишда товар-моддий бойликларнинг ташиб кетилиши ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш анча самарали давом этаётганини кўрсатди.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, республикамиз ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камаймоқда, деб бўлмайди. Бунда пиёдалар айби билан содир этилаётган бахтсиз ҳодисалар кўп учраётгани ташвишлидир. Масалан, пиёдаларнинг белгиланмаган жойлардан йўлни кесиб ўтиши, йўлчироқ ишораларига эътиборсиз бўлиши, йўлаклар қолиб, айни катта йўлдан бемалол юриши оқибатида талайгина йўл-транспорт ҳодисалари рўй беряпти.

Энг ачинарлиси, бунинг натижасида пиёда бир умрга майиб бўлиб қолади ёки бевақт ҳаётдан

**Долзарб мавзу**

кўз юмади. Тўғри, кейинги пайтда бундай фалокатлар оқибатида ҳалок бўлаётганлар сони бирмунча камайган бўлса-да, лекин йўл-транспорт ҳодисалари, жароҳатланганлар миқдори ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Йил бошидан буён мамлакатимиз йўлларида жами 3 минг 724 бор йўл-транспорт ҳодисаси юз берган бўлса, бу каби кўнгилсизликлар оқибатида 705 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 3 минг 952 киши эса турли даражадаги тан жароҳати олди. Энди эътибор беринг, ушбу содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 2 минг 36 таси айнан пиёдалар иштирокида рўй берган. Бунинг оқибатида 367 пиёда ҳалок бўлди, 1 минг 774 нафари жароҳатланди. Демак, таҳлилларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисасининг ҳар уч ёки тўртинчиси айнан пиёдалар айби билан юз бермоқда.

"Диққат! Пиёда!" тадбирини ўтказишдан мақсад ҳам айнан пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу боис мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилади. Хусусан, транспорт ва пиёдалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва чорраҳалар яна бир бор кўриб чиқилади, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрланади, транспорт воситаларининг техникавий тайёргарлиги яхшиланади.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш гуруҳлари фаолият кўрсатади. Ҳозир барча вилоятларда ойликни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга даҳлдор идораларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ҳар ўн кунда тадбир қандай ўтаётгани муҳокама этилади, унда мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланади.

Шу боис жойларда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан бирга, барча мутасадди ташкилотларнинг доимий эътиборида турадиган тадбирлардан бирига айланиши лозим.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили**



# Қариялар дуоси





*Қибрай тумани ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими қариялар, ёши улуғ онахонларнинг дуосини олиш учун яна бир савоб ишга қўл урди. Бўзсув яқинидаги оромгоҳлардан бири ҳафтанинг ҳар пайшанба куни қибрайлик қариялар ихтиёрига берилди. Бу ерда тумандаги 12 та маҳаллада истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар навбати билан дам олиб, ўз саломатликларини тиклашаяпти.*

*Ўтган пайшанба куни оромгоҳда туманнинг «Қипчоқ» маҳалласи қариялари дам олиб, ҳордиқ чиқардилар. Улар учун тўкин дастурхон ёзилди, санъаткорлар хизматда бўлишди. Туман ҳокими С.Тошхўжаев тўпланганлар билан дастурхон атрофида суҳбатлашди, улардан ҳол-аҳвол сўради. Қариялар бундай эътибордан мамнунликларини изҳор қилдилар.*

*Бу тадбир йил охиригача давом эттириладиган бўлди.*

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
**Еркин БОТИРОВ олган суратлар.**

# «Аму тонги» — Амударёда

Матбуот куни арафасида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг нашри — «Аму тонги» газетасининг чоп этила бошлаганига 10 йил тўлади. Айни кунларда газета жамоаси ўз муштарийлари билан учрашувлар ўтказмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Аму тонги» обуначиларининг учдан бир қисмини амударёликлар ташкил этади. Дастлабки чоракда таҳририятга келиб тушган 410 та хат-хабарнинг асосий қисми ҳам дарё соҳилидаги элдан йўлланган эди.

Учрашувда газета бош муҳаррири, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти соҳибаси Гулистон Аннақиличева амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар хусусида гапириб берди. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси матбуот хизмати раҳбари Парахат Палимов, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Қорақалпоғистон республика бўлими раиси Жўлдосбой Тажатдинов, «Амударё ҳақиқати» газетаси мухбири Робия Йўлдошева, туман ҳокимининг ўринбосари Аширбой Қўшаев ва бошқалар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ПУЛ ТОПИШНИ БИЛАСИЗ, сарфлашни-чи?

Асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб келаётган турли маросим, урф-одат ва анъаналар халқимизнинг улкан маънавий бойлигидир.

Тўй ва маъракалар азалий удумлардан бўлиб, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-ёрларни бир-бирлари билан дийдорлаштирувчи, бир-бирига яқинлаштирувчи маросимлардир.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятимизнинг ажралмас бир қисми бўлган урф-одат ва маросимларимиз тикланиб, такомиллашиши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Халқимизда «Ҳаммани ҳам тўйига етказсин» деган ибора бор. Бироқ, айрим ҳолларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маъракa ва маросимларни ортиқча дабдаба билан ўтказиш, исрофгарчиликларга йўл қўйиш каби салбий иллатлар кўзга ташланмоқда.

Дарвоқе, бу борада 1998 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинганди. Хўш, ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди? Одамлар шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликларга қандай қарамоқдалар?

Тошкент шаҳар ҳокимиятида худди ана шу мақсадга қаратилган **«Урф-одатларимиз — маънавиятимиз кўзгуси»** мавзуида маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, масжид имомлари ва жамоатчилик вакиллари билан илмий-амалий анжуман ўтказилди.

**Тежамкорлик**

Унда шаҳар ҳокими ўринбосари Р. Акромов, Олий Мажлис депутати, халқ шоири Э. Воҳидов, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси муфтийси А. Баҳромовлар иштирок этди.

Анжуманда улкан ўзгаришлар даврида айрим урф-одатларимизга замонавий тус берамиз, деб минг йиллар давомида сақланиб келган миллий ва диний қадриятларимизга зид ишлар қилинаётганлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундай ҳолларнинг олдини олишда жамоатчилик, айниқса маҳалла оқсоқолларига алоҳида урғу бериб ўтилди.

Зеро, лавозимини суиистеъмол қилаётган баъзи раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлиши, оддий одамларнинг нафсониятларига тегиши, уларнинг адолатга, умуман, давлатга бўлган ишончига путур етказиши турган гап.

Миллий урф-одат ва анъаналар баркамол шахсни шакллантирувчи восита эканидан келиб чиқиб, уларни халқимизга хос бўлган одатга кўра маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари, маҳаллаларнинг тўй комиссиялари билан маслаҳатлашиб, ҳар бир жойнинг шароити ва тўй эгасининг имкониятларини ҳисобга олиб, мазмунли ва ибратли тарзда уюштириш, қудалар ўртасидаги олди-бердилар, жумладан, мебель жиҳозлар борасида ўзаро келишиб, тўй харажатларининг камтарона бўлишига эришиш, аҳолининг тинчини бузмаслик учун тўй базмини чўзиб юбормаслик даркор.

Шунингдек, катта тўй қилмоқчи бўлган айрим бадавлат оилалар ортиқча маблағларини меҳр-шафқат, саховатли, хайрли ишларга, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, мактаб, боғча ва касалхоналар ихтиёрига ўтказишлари савоблироқдир. Марҳумларни хотирлаш маросимларида ҳам меъёрни унутмаслик лозим.

Ҳалол ва виждонли одам ўз меҳнати маҳсулини қадрлайди, дабдабабозлик, манманликка берилмайди. Исрофгарчиликка йўл қўймайди. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган урф-одат, анъана ва маросимларнинг ижобий жиҳатларидан ўринли фойдаланиш, уларни такомиллаштириш ҳаммамизга даҳлдор масаладир.

**Д. ЗОКИРОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ



2002–2003 ўқув йили учун қабул эълон қилинади.

**Республика лицей-интернатига умумтаълим ва махсус мактабларнинг 9-синф маълумотига эга бўлган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича қабул қилинади.**

Ҳужжатлар 2002 йилнинг 20 июнидан 31 июлигача қабул қилинади.

Лицей-интернатда математика, физика, информатика, кимё ва инглиз тили фанлари махсус дастур асосида чуқур ўргатилади.

Машғулотларни университет ва лицей-интернатнинг тажрибали профессор, доцент ва олий тоифали ўқитувчилари олиб боради.

Республика, вилоят олимпиадалари ғолиблари, халқаро олимпиада иштирокчилари лицей-интернатга танловсиз қабул қилинади.

Вилоятдан келган ўқувчилар ётоқхона ва бепул овқат билан таъминланади.

***Лицей-интернатга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак:***

- *ўқув муассасаси директори номига белгиланган шаклдаги ариза;*
- *туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси);*
- *яшаш жойидан маълумотнома;*
- *9-синф маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси);*
- *086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *3х4 ҳажмдаги 6та фотосурат;*
- *ўқувчининг тиббий варақаси.*

5926/1255

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУ, 53-ётоқхона.
Телефонлар: 46-69-02, 46-08-78.

## Тузатиш

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 11 июнь сонида эълон қилинган «Ал-Қоида»нинг сирли қуроли» сарлавҳали мақолада террорчиликда айбланаётган Холидшайх Муҳаммад «асли қувайтлик бўлган» деб, ноаниқликка йўл қўйилган.

**(ЎзА).**

«Ўзбек-Лада» автосалонида 15 апрелдан «Матиз» автомобили ютуғи ўйинида иштирок этадиган 250 та автомобилни сотиш бошланди.



«Ўзбек-Лада» автосалонидан «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган ҳар қандай автомобилни харид қилиб, совғага «Матиз» автомобили ютуғи соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқнинг бахтли эгаси бўлишни истасангиз, шошилинг!

Диққат! Совғага «Матиз» автомобили!




Ўйин шартлари:

- *ўйинда 2002 йил 15 апрелдан «Ўзбек-Лада» автосалонида харид қилинган дастлабки 250 автомобиль иштирок этади;*
- *ютуқ соҳиби сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижаларига кўра аниқланади;*
- *автомобиль сотиб олган ҳар бир харидор ўйин иштирокчилари рўйхатига киритилади;*
- *«Матиз» автомобили ўйинида иштирок этадиган автомобилларнинг кузов рақамлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилади.*

Маълумот учун телефонлар: 120-77-44, 120-77-46, 173-26-23.
Бизнинг Интернетдаги сайтимиз www.uzbeklada.uz

5655/5777

TECHNOLOGY

TS TECHNOLOGY — жаҳон технологиялари даражасидаги миллий маҳсулот!



Товар сертификатлаштирилган № NSSUZ.01.002. 511502-02.

700000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони,
«Пойтахт» бизнес мажмуи,
ғарбий томон, 2-йўлак, 32-офис.
Тел./факс: 137-72-91, 137-72-92.

5879/1142

